

Хуршида Нишонова

# **ШИРИН АЗОБ**

Шеърлар

Наманган нашриёти  
2006

Тақризчи: Жамолиддин Муслим, Ўзбекистон Бадиий Академияси бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси.

Сўз сеҳрли олам. Тушуна билган, англаган кишигагина у ўзининг соҳир дунёси эшикларини очади. Ўзига дўст қилади. Турфа мўъжизотларига ошно этади. Ёш, умидли шоира Хуршида Нишонова сўзнинг ана шу лутфу карамидан баҳраманд қаламқаш. Унинг қалб жавоҳирлари билан танишиб, бунинг айна ҳақиқат эканига ишонасиз.

НГ  $\frac{558-11530,5-1323950}{559-1,0-(07)-06}$  2006й.

© Хуршида Нишонова  
© «Наманган» нашриёти

## **Сени сўрадим**

Дарёлардан тоғ сўрамадим,  
Саҳролардан боғ сўрамадим.  
Дарддан шодон чоҳ сўрамадим,  
Яратгандан сени сўрадим.

Гарчи ёшлик фасли ўткинчи,  
Муҳаббатнинг васли ўткинчи.  
Бахтиёрлик асли ўткинчи,  
Яратгандан сени сўрадим.

Нигоҳингга боқиб тўймадим,  
Кўзимдан ёш оқиб, тўймадим.  
Кўксингга гул тақиб тўймадим,  
Яратгандан сени сўрадим.

Гўзалларнинг гўзали дея,  
Шоирларнинг ғазали дея.  
Тақдиримнинг азали дея,  
Яратгандан сени сўрадим.

## **Топилмас**

Дардимни айтгани сирдош топилмас,  
Қайғумни енггани бардош топилмас.  
Армондан тўлғонса бу хаста кўнгил,  
Ҳаёдан ийманиб кўз ёш топилмас.  
Қуёшдан бу олам чароғон бўлур,

Дилим ёритгувчи қуёш топилмас.  
Бевафо дунёдан совиди юрак,  
Ани иситмоққа оташ топилмас.  
Хуршида, ҳаётга интилгум мудом,  
Ҳамроҳман дегувчи йўлдош топилмас.

## Баҳорда

Кўз очиб юмгунча ёш тўкар осмон,  
Кўз юмиб очгунча қуёш жилмайди.  
Мендан воз кечади дўсту қадрдон,  
Юракда не азоб, биров билмайди.

Гоҳо учгим келар ўхшаб варракка,  
Орзуларим қўкка етгуни қадар.  
Тошдайн тушсайдим пок сумалакка,  
Қалбимдан қайғулар кетгуни қадар.

Қишга аза тутган замин қўйнида,  
Қуёшга термулиб боққим келяпти.  
Ёки лойқаланган анҳор бўйида,  
Ялпизни чаккамга таққим келяпти.

Оппоқ тонг. Тоғдаги қизғалдоқдан,  
Зулфия опани сўраётирман.  
Ним пушти очилган ўрик гулида  
Ҳамид Олимжонни кўраётирман.

Кўлларимдан чиқиб ўйлар тизгини,  
Хаёлистон ичра оғриниб кетдим.  
Аслида кўнглимнинг мудом таскини,  
Митти қалдирғочни соғиниб кетдим.

## **Кел, Наврӯзим**

Капалак кафтимга қўнмайсанми, айт?  
Камалак, кокилим ўрмайсанми, айт?  
Сумалак, қўкламни кутмайсанми, айт?  
Наврӯзим, умидга ишонч олиб кел.

Бахт, менинг боғимда гул очмайсанми,  
Ҳилолим, қошимда нур сочмайсанми?  
Муҳаббат, руҳимни бир қучмайсанми?  
Наврӯзим, фироққа алла айтиб кел.

Шафақ, шафтолидай нега қизгишсан,  
Дард, менинг хатоим бўлган қилмишсан.  
Аслида, эй ҳаёт мангу ташвишсан,  
Наврӯзим, қувончга қалқон бўлиб кел.

Минг битта балога гирифтор жоним,  
Ёз куйиб, аёзда ўртанар жоним.  
Тўғриси, бир ишққа интизор жоним,  
Наврӯзим, қўнглимга олов ёқиб кел,  
Севгидан бошингга чамбар тақиб кел.

## **Соғинмай қўйдим**

Нечундир баҳорни соғинмай қўйдим,  
Дилни хушнуд эта олмас чечаклар.  
Армонга айланар эзгу тилаклар,  
Нечундир баҳорни соғинмай қўйдим.

Севги лойқаланди анҳорлар каби,  
Кўнгил уйи бесар, бозорлар каби.  
Суйганига етмас ёр-ёрлар каби,  
Нечундир баҳорни соғинмай қўйдим.

Шифалаган ҳар бир ёмгирли кундан,  
«Сев» дея янграган муродбахш ундан.  
Сенсиз ўтаётган ҳар ялдо тундан,  
Нечундир баҳорни соғинмай қўйдим.

Висол, ҳижрон, азоб ишқнинг талаби,  
Бунга рози бўлмас, инсон матлаби.  
Туйғуларимнинг тул, беваси каби,  
Нечундир баҳорни соғинмай қўйдим.

Ажабо, шундайин бир сабо елди,  
Шунчалар оромбахш, шунчалар бесас.  
Дилда куртак очиб энг эзгу ҳавас,  
Мен яна баҳорни соғингим келди.

## Кимсиз

Ўзи кимсиз?

Юрагимга йўл очган,  
Покиза хаёлдек руҳимни кучган.  
Ҳижронга тўлдириб митти кўнглимни,  
Тубига бир соғинч ҳиссини сочган.

Ўзи кимсиз?

Ёр этмайсиз зиёга,  
Тўғри-да, бу дунё аслида бир кам.  
Фанои дарёни булғаб риёга  
Алдагансиз мени, алдоқчи эркам.

Ўзи кимсиз?

Севги ҳиссин уйғотган.  
Нимага бундоқсиз, эй дилозорим?  
Бағритошсиз, хаста дилга тош отган.  
Сиз ёлғончи менинг бевафо ёрим.



## Айт

Юрагимга солма гулгула,  
Дилга оташ солмоқликдан қайт.  
Кўзларимда ёшларим тўла,  
Сени бир бор севаман, деб айт.

Санамлардан рашк қиламан, рашк,  
Юрагимга солма сира ғаш.  
Бўлай сенга энг яқин дилкаш,  
Сени бир бор севаман, деб айт.

Оқ ойдинда кутаман дегин,  
Тунлари қон ютаман дегин.  
Тонгда оқ гул тутаман дегин,  
Сени бир бор севаман, деб айт.

Хижронларда қолдирмайман, деб,  
Ўзгаларга олдирмайман, деб.  
Ишқдан сира толдирмайман, деб,  
Сени бир бор севаман, деб айт.

Буткул барбод бўлса ҳам жаҳон,  
Орзу бўлса, бўлса шу армон.  
Гар сўзларинг бўлсада ёлғон,  
Сени бир бор севаман, деб айт.

## Кел

Сочларимни тўзғитади ел,  
Қарогимдан куйилади сел.  
Ҳислар сенга сира тушмас хил.  
Келмоғингни истамайман ҳеч,  
Бироқ кел...

Капалакка айлангим келар,  
Камалакка бойлангим келар.  
Севгига шоҳ сайлангим келар,  
Келмоғингни истамадим ҳеч,  
Бироқ кел...

Дилни дилга боғлаган надир?  
Бу фонийдан изламам адл.  
Рашким ишқни қилганда қатл,  
Келмоғингни истамадим ҳеч,  
Бироқ кел...

Келма десам, бунга ишонма,  
Аламларда пинҳона ёнма.  
Кетгил десам, севгидан тонма,  
Келмоғингни истамадим ҳеч,  
Бироқ кел...

## Ширин азоб

Саболар сочимнй тарамай қўйди,  
Елкамга қулади етти осмонлар.  
Юракда ишқ ўти аримай қўйди,  
Ишқ дардига дучор бўлдим ёронлар.

Ёмғирлар кўзимда ёш бўлаётир,  
Айрилиқ дилимга дош бўлаётир.  
Дилдаги яралар тош бўлаётир,  
Ишқ дардига дучор бўлдим ёронлар.

Тупроқ каби сокин яшай олмадим,  
Ёмонман, яхшига ўхшай олмадим.  
Бахт учун гулларни тўшай олмадим,  
Ишқ дардига дучор бўлдим ёронлар.

Висол деб фонийлик ёр бўлди менга,  
Нур десам, рўёлар ғор бўлди менга.  
Ишқсиз бедаволар кор бўлди менга,  
Ишқ дардига дучор бўлдим ёронлар.

Севгисиз жаннатга рози бўлмасман,  
Ҳиссиётсиз куйнинг сози бўлмасман.  
Ёлғончи дунёнинг нози бўлмасман,  
Ишқ дардига дучор бўлдим ёронлар.

## **Зулфияхонимга**

Йиллар, йиллар ўтиб бораверади,  
Сиз битган ҳаётнинг варақларида.  
Хотиралар мени чорлайверади,  
Гул очган ўрикнинг япроқларидай.  
Дунё ўзи шундай, тошсиз тарози,  
Баҳорга шошилдим баридан кечиб.  
Қўш ўрик гул очмиш,  
Ҳар гули орзу...  
У менинг руҳимни ётибди қучиб.  
Юрагимга яқин одам эди у,  
Куйлади ҳар лаҳза ўртаниб-ёниб.  
Албатта, бахтиёр бўлгум,  
Қачонки,  
Зулфияхонимга бўлсам муносиб.

\* \* \*

Муҳаббат эътироф этилган туйғу,  
Дардга айланмаган энг гўзал орзу.  
Ошиқлар нигоҳи сўзлаган забон,  
Оташин юракда уйғонган исён.  
Лайли юзидаги эгиз кулгич у,  
Яноқни ёндирган қайноқ ўпич у.  
Баҳолардан келган буюк нидодир,  
Инсон қалбидаги ишқ бу Худодир.

## **Бўла олмадим**

Муҳаббат чорбоғида хуррам бўла олмадим,  
Ёинки хуррамларга ҳамдам бўла олмадим.

Интилиб у дунёга, зор бўлсам нур-зиёга,  
Айланиб ҳам гиёҳга малҳам бўла олмадим.

Кета олмай осмонга, ета олмай дostonга,  
Ичимдаги ёмонга алам бўла олмадим.

Юрагим тўлар хунга, тонгим уланар тунга,  
Тенглашолмай очунга бир кам бўла олмадим.

Меҳр асли кўзгача, тик боқолмай юзгача,  
Хаттоки, бир ўзгача олам бўла олмадим.

Қалбим дардга тўйинса, ағёрларим суюнса,  
Нодонликга берилган бархам бўла олмадим.

Ёлғизликнинг кўйида шоирлик қилиб даъво,  
Эл корига яровчи одам бўла олмадим.

## **Тиласк**

Тақдир сизга тахт ато этсин,  
Олам-олам бахт ато этсин.  
Ҳаётингиз бўлиб осуда,  
Интилишга шахд ато этсин.  
Роҳат бўлсин ҳар бир онингиз,  
Жаҳон пойингизга гул сочсин.  
Оташнафас пок имонингиз,  
Нажот, мурод эшигин очсин.

## **Ватан**

Сен эрким, қуёшим, сабрим, нурымсан,  
Ғурурим, қадримсан, ҳумо, ҳуримсан.  
Сенсиз мен аслида руҳсиз, абгорман,  
Азиз отам, мушфиқ онамсан, Ватан!

## **Баҳор келди сени сўроқлаб**

*Зулфияга*

Баҳор келди сизни сўроқлаб,  
Қалдирғочнинг қўш қанотида.  
Оппоқ тонгнинг учқур отида,  
Баҳор келди сизни сўроқлаб.

Йиллар, йиллар висол ошиғи,  
Авжга чиқар қизлар қўшиғи.  
Парчаланиб қишнинг тўсиғи,  
Баҳор келди сизни сўроқлаб.

Рашқдан ёнар томирда қоним,  
Нурдан порлар жисм ичра жоним.  
Тўқсон ялдо тунидан тониб,  
Баҳор келди сизни сўроқлаб.

Қўш ўрикка суяниб ҳамон,  
Ўй суради Ҳамид Олимжон.  
Соғинчини айлабон баён,  
Баҳор келди, сизни сўроқлаб.

## **Мен севиб қолдимми?**

Билмадим, доим мен нени ўйлайман,  
Хаёллар сураман, асло тўймайман.  
Ҳеч кимга билдирмай қўшиқ куйлайман,  
Мен севиб қолдимми?

Асар ҳам қолмади шаддолигимдан,  
Уяламан гоҳ таниш, гоҳ ётлигимдан.  
Тутқунман, нишон йўқ озоллигимдан.  
Мен севиб қолдимми?

Сизни ўйлаб - ўйлаб оқаради тонг.  
Соат бедорликда урур ногоҳ бонг.  
Наҳот шугинага етмаяпти онг,  
Мен севиб қолдимми?

Қалбимга кирмоқда бегона ҳислар,  
Ўн етти ёшлигим кечани излар,  
Дилда севги отлиғ бир сабо эсар,  
Мен севиб қолдимми?

Митти қалб интилар қорли юксакка,  
Хаёллар ошиқар мовий фалакка,  
Юрак ҳеч ўхшамай қолган юракка,  
Мен севиб қолдимми?

## **Худонинг сўйгани отади**

Мен ўзимга оро бермайман,  
Қошларимга қаро бермайман.  
Хундин асло хино қўймайман,  
Шунинг учун севмасанг севма,  
Мен ўзимга оро бермайман...

Кўз қувончни унута олган,  
Сен деб, шижоатим йўқолган.  
Ширин сўзим эскириб қолган,  
Шунинг учун севмасанг севма,  
Ширин сўзим эскириб қолган.

Сўзларини мисли отиб ўқ,  
Андалиблар урар менга дўқ.  
Афсонавий муҳаббатим йўқ,  
Шунинг учун севмасанг севма,  
Афсонавий муҳаббатим йўқ...

Тупроқману пойинг эмасман,  
Куёшингман ойинг эмасман.  
Хузур истар жойинг эмасман,  
Шунинг учун севмасанг севмас,  
Хуришидангман, моҳтоб эмасман



Узлатларга кетсайдим, кошки,  
Рихлатларга етсайдим, кошки.  
Сени четлаб ўтсайдим, кошки,  
Шунинг учун севмасанг севма,  
Сени четлаб ўтсайдим, кошки.

Умр гўё тушдай ўтади,  
Кўнглимиз ҳам хушдай ўтади.  
Бахтим хайр-хушдай ўтади,  
Шунинг учун севмасанг севма,  
Умр - учар қушдай ўтади.

Семурғ соясига эргашдим,  
Қақнусдай висолни тилашдим.  
Булбулдек боғларга ярашдим,  
Шунинг учун севмасанг севма,  
Булбулдек боғларга ярашдим.

Мен Худонинг суйган бандаси,  
Ва ишқида куйган бандаси.  
Алдовлардан тўйган бандаси,  
Шунинг учун севмасанг севма,  
Худонинг суйгани етади.

## **Кўклам**

(М. Юсуфга)

Жайронману, жайронлигим ёлғон бўлди,  
Оғамсизу, висолингиз армон бўлди.

Қароғимда ёшим аччиқ айрон бўлди,  
Жайрон бўлиб кўзларимда ёш қолмади.

Ялпизларнинг яноғидан ўпгим келди,

Ялангоёқ тупроқларда чопгим келди.

Сизни тушларимдан топгим келди.

Жайрон бўлиб кўзларимда ёш қолмади.

Оғанг қани, қани оғанг, дейди Назми,

Сархушгинам йиғлоқиман ишқ базми.

Гар соғинсам, юпанч бўлиб келасизми?

Жайрон бўлиб кўзларимда ёш қолмади.

Жайронману, жайронлигим ёлғон бўлди,

Оғамсизу, висолингиз армон бўлди.

Қароғимда ёшим аччиқ айрон бўлди,

Жайрон бўлиб кўзларимда ёш қолмади.

## **Соғинч**

Ғанимларнинг сохта дўстлиги аро,

Армон қийноғида қолиб оғриндим.

Ногоҳ кўзларимга тор бўлиб дунё,

Исмингизни айтиб соғиндим.

Шалола шўхлиги қолмайин менда,

Ер каби маъсумлик ҳолим сўрайди.

Рашк ёки бир соғинч борму ёр, дея,

Гулдек нозик қалбим аста нурайди...

Армон қийноғида қолиб оғриндим...

\* \* \*

Адоватнинг йўллари улкан,  
Адолатнинг йўллари тордир.  
Адоватнинг манзили гумон,  
Адолатнинг манзили бордир.

Томиримда кўпиради қон,  
Вужудимга тушади титроқ.  
Баднафсни кишанлаб имон,  
Чорлаб турар ўзига тупроқ.

Йиғласам, кўзимдан сочилади дур,  
Кулсам, кулгуларим берар акс -садо  
Фалакдан кутганим илоҳий бир нур,  
Шу нур юрагимга ишқ этар ато.

Термулиб қоламан олис йўлларга,  
Йўллар бу-дунёнинг хариталари,  
Бунда дуч келаман дашту чўлларга.  
Бунда боғланади жон ришталари.

Дўстим, бу дунёга ташбеҳим йўқдир,  
Чун у тошбақага ортилган бозор.  
Унда ким яланғоч, ким эса тўқдир,  
Дунё -бу тупроққа якин одамзор.

\* \* \*

Бир бор дийдорингни кўрайин дея,  
Тупроқли кўчангдан ҳар кун ўтаман.  
Тупроққа қоришган сўқмоқлар аро,  
Йўқолган изингни излаб кетаман.

Тентак хаёлларим сенга ошиқар,  
Ўша ўйлар ичра толиб кетаман.  
Гар сени соғинсам дил кўзгусига,  
Сувратингни чизиб олиб кетаман.

Юрагим жомига тўлган дардимни,  
Ошкора этолмай толиб кетаман.  
Ёинки, бир умр шу сўқмоқ ичра  
Фақат сени кутиб қолиб кетаман.

\* \* \*

Тангрим улугъ неъматини ҳавосидан ўргилай,  
Қулига фарз айлаган дуосидан ўргилай.  
Дунё аслида бир кам, қувончлари минг дирҳам,  
Аввало «ярал» деган нидосидан ўргилай.

Савобдан бўлиб узоқ, гуноҳ қилдим бесаноқ.  
Гоҳ мовий, гоҳ оқ самосидан ўргилай.  
Кўнгил экан ишқпараст, боғларда мунглиғ бир сас,  
Булбулларга ҳамнафас навосидан ўргилай.

Имон-собит қадаммиш, ихлос зеб қадамлигин,  
Қаъбатуллоҳ аталмиш биносидан ўргилай.  
Қуръон Ҳақнинг китоби, «бўйсун» анинг хитоби,  
Умрнинг сарҳисоби-фаносидан ўргилай.

Хуршиданинг кўнглидан отилур шундоқ нидо:  
-Она, сени қайтарган давосидан ўргилай.

## **Кумушхонга ўхшадим**

Сочларимни қирқ тараб ўрдим,  
Қошларимга ўсмалар қўйдим.  
Кўзларимга сурмалар сурдим,  
Кумушхонга ўхшамоқ учун.

Кўзимга сув суртдим атайлаб,  
Тиллақошни тақдим авайлаб.  
Бошда рўмол кўзгуга қараб,  
«-Сиз ўшаму?»,- дедим қайталаб.

Шоирларга тақлид қиляпман,  
Ошиқларни танқид қиляпман.  
Тошкентига хат ёзиб минг бор,  
Жавобини интиқ кутяпман.

Арғимчоққа ўтириб олиб,  
«Қаҳ-қаҳ» отиб кулиб кўраман.  
Паранжини бошимга солиб,  
Астагина юриб кўраман.

Бахтёрман, демоғим мушкул,  
Яшашим шарт дунёда яйраб.  
Кумушхонга ўхшадим буткул,  
Етмаяпти Отабек, Зайнаб.  
Учрамасин йўлимда Зайнаб...

## **Севги нима?**

Бевафо, севги бу сиз учун нима?  
Янги уйинчоқни эскитишдек гап.  
Бошқа кўғирчоққа термулиб олиб,  
Мендайн санамни ранжитишдек гап.

Бағритош, ишқ асли эрмакми сизга?  
Истаган кўнгилга берасиз фириб.  
Афсонавий севги эртакми сизга,  
Жонимни оласиз жилмайиб туриб.

Аmmo чин муҳаббат ёрнинг кўзига,  
Бир умр тикилиб туриш дегани.  
Висолга эришган замон қувончдан,  
Юрагинг ёрилиб ўлиш дегани.

## **Аламо алам**

Сизни соғинаман кутгим келмайди,  
Изтироб бодасин ютгим келмайди.  
Кучангизни кезиб ўтгим келмайди,  
Алам қилсин бегим, аламо алам.

Менсиз сочларингиз оқариб кетар,  
Жафокаш қалбингиз қорайиб кетар.  
Бахтингиз йўллари торайиб кетар,  
Алам қилсин бегим, аламо алам.

Болишлар ботади бошингизга ёр,  
Уммон дўст тутинар ёшингизга ёр.  
Биров қўл чўзмайди ошингизга ёр,  
Алам қилсин бегим, аламо алам.

Сизни эслаш оғир, унутиб қўйдим,  
Барини тақдирнинг синови йўйдим.  
Сизданда ортиқроқ Худони суйдим,  
Алам қилсин бегим, аламо алам.

## Ойга

Бағринг оч, бағринга  
Сингиб кетайин,  
Дунё дардларини  
Енгиб кетайин.

Нурларинг риштасин  
Юбор заминга,  
Юлдузлардан салом  
Етказгин менга.

Нурдан аргимчоқ бер,  
Учиб кўрайин.  
Оғушингда гулоб  
Ичиб кўрайин.

Нурингда чўмилиб  
Ётгим келади,  
Оразингдан бўса  
Тотгим келади.

Қанийди митти ой  
Бўлиб қолсайдинг.  
Вужудингни чанқоқ  
Бағримга босиб,

Тонггача эркалаб  
Ухлаб қолайин.



## Йигитча

(Ҳазил)

Киноларга таклиф қилишингиз бор,  
Жилмайиб қалбимни тилишингиз бор.  
Соғинганда келишингиз бор,  
Фурурингиз-қуруқ ҳамён, йигитча.

Афсус мен кинога тушгим келмайди,  
Боғларда арғимчоқ учгим келмайди.  
Паналарда сизни кучгим келмайди,  
Дилингиздаги ўй аён, йигитча.

Синглингиз келиннинг сепига муштоқ,  
Онангиз ширин сўз, эпига муштоқ.  
Биламан ўзингиз Зебига муштоқ,  
Санамлар ёнида гирён, йигитча.

Бир кун оёғингиз тушовланади,  
Энди нуқул уйқу туш овланади.  
Забон ёр олдида каловланади,  
Йигитлик дамлари армон, йигитча.

## Шаҳарга интилиб

Мен қишлоқдан кетдим олислаб,  
Тун қўйнида чиқдим шаҳарга.  
Тентак хаёл қўлидан ушлаб,  
Тун бағри сукунат...

Ўткинчилар ўтиб қолади ногоҳ,  
Дилимни битта дард кемирар э, воҳ,  
Бу шеър дарди,  
Кўнгил дарди.

Юрагим ларзага келади бирдан,  
Дардкаш топа олмай яшадим чиндан.  
Ёлғизликка ўрганиб эдим...  
Оҳ бунча ғалвага бозордир дунё,

Дилимга солганинг озордир дунё.  
Басиру бағритош бўла олмадим,  
Юрагим меҳрга зор-зордир дунё.  
Қишлоққа қайтаман...

Қўлларимга сифмай қолибди кетмөн,  
Қаламга ўрганиб кетибди қўлим.  
Далага бормоқчи бўлганим замон.  
Шаҳарга бурилиб кетади йўлим.

Қадрдон чечаклар мисли дурдона,  
Йўлларимга сочар ифрларини.  
Капалак бошимда бўлиб парвона,  
Тарк этар нурафшон гулзорларини.

Отланаман қирлар бағрига,  
Гўзалиқдан қувонмас кўзим.  
Тор хонада қоғоз титкилаб...  
Болаликнинг баҳорларига  
Чин бегона бўлибман ўзим.

Қайтдим яна шаҳри азимга...  
Мен қишлоқдан олислаб кетдим.

Тошли йўлақлардан безорман, она,  
Тўртта девор ичра бедорман, она.  
Ўйлама қизингни бахти бутун, деб,  
Кўнгил диёрида ночорман, она.

Шаҳарнинг кенгу тор кўчасин кездим,  
Кимдир гап сотади,  
Сукутда сездим.  
Асли бу гулзорни тилаб Худодан,  
Ва шу гулистондан бутунлай бездим.

Дарчамнинг тагидан ўтмас жилғалар,  
Қушчалар ўтмоққа ҳатто ор қилар.  
Севги кўлларидан тутгим келади,  
Изтироб этагим тортқилар.

Қишлоқдан узоқлаб кетдим, онажон,  
Кўнглингизга дард бахш этдим, онажон.  
Сиз фақат ранжиманг,  
Мен йўлга чиқиб  
Ёрнинг висолига етай онажон.

Майин шабодадек ўтди-кетди вақт,  
Шаҳар-бу қувончга ўхшаган ғурбат.  
Боғчадан ўғирлаган ўрикчалик ҳам  
Шаҳар ҳадя эта олмади рохат.

## **Яхши кўраман**

Атасанг ҳам мени орсиз, номуссиз,  
Дилистон юртида юргум қомуссиз.  
Яшайман дунёда қувонч-фонуссиз,  
Сени беҳижолат яхши кўраман.

Ихтиёрим сенда шакарсўз эркам,  
Сен билан ҳаётим беқўсти бекам.  
Эҳ, менинг аразчи фариштам деган,  
Қувноқ сўзларингни яхши кўраман.

Гоҳи соғинтирсанг саҳролар аро,  
Сабрда собитман Лайлолар аро.  
Гоҳо рашк, гоҳида гиналар аро,  
Мен сени самимий яхши кўраман.

Келсанг ишқдан шароб куйиб бераман,  
Истасанг кўзимни ўйиб бераман.  
Сен учун ўртаниб куйиб бераман,  
Барибир, мен сени яхши кўраман.

## **Булбуллар**

(Синглим Наимага)

Осмониға тиниқлик тилаётир булбуллар,  
Гоҳо ёниб гоҳ куйиб куйлаётир булбуллар.  
Бахтнинг сўлим чоғига, кўнгилнинг чорбоғига,  
Райҳоннинг бутоғига кўнаётир булбуллар.

Кучоқ очса лолалар, юзида дур жолалар,  
Дилидаги ноладан сўйлаётир булбуллар.  
Оқибатдан сўйлайди, дард кўшигин куйлайди,  
Ишқ боғига бўйлайди, қувнаётир булбуллар.

Куйса ҳамки бўғзидан, куйлар тонгда, шомда ҳам,  
Қалбидан кетмай алам, ўйнаётир булбуллар.  
У гўзаллик шайдоси, у муҳаббат гадоси,  
Ишқнинг Одам Атоси бўлаётир булбуллар.

Куйдаги маънони деб, қўлдаги хинони деб,  
Гул юзи раънони деб, ўлаётир булбуллар.  
Юрагига тиниқлик тилаётир булбуллар,  
Ҳолиқ ишқида ёниб куйлаётир булбуллар.

\* \* \*

Бу зиндон кўнглимни бир сенга ёзсам,  
Телба ҳисларимни калтаклаб оссам.  
Кўнгилда бир истақ этади исён,  
Ёрим жамолингни бир бора кўрсам.

Бундоқ очун ичра сизмас армоним,  
Сен ўзинг танамда ургувчи жоним.  
Бунга айтмоқликка йўқдир забоним,  
Ёрим жамолингни бир бора кўрсам.

Ишқнинг заррин тўни чориг бўлганда,  
Ўн беш туним бир кун ёруғ бўлганда.  
Ногоҳ дилим дарддан фориг бўлганда,  
Ёрим жамолингни бир бора кўрсам.

Ўртанган бу юрак яро бўлса ҳам,  
Озод руҳ қулликни даъво қилса ҳам.  
Гуноҳкор юзларим қаро бўлса ҳам,  
Ёрим висолингни бир бора кўрсам.



Ушбу тўпламни чоп этишда ҳомийлик қилган  
«Камолот» ЁИХ вилоят бўлими кенгашига муаллиф ўз  
миннатдорчилигини билдиради.

## Мундарижа

Сени сўрадим.....	3	Баҳор келди сени сўроқлаб	14
Топилмас.....	4	Мен севиб қолдимми? .....	15
Баҳорда .....	5	Худонинг суйгани етади.....	16
Кел, Наврўзим.....	6	Кўклам.....	18
Соғинмай қўйдим.....	7	Кумушхонга ўхшадим.....	21
Кимсиз.....	8	Севги нима? .....	22
Айт.....	9	Аламо алам .....	23
Кел.....	10	Ойга .....	24
Ширин азоб.....	11	Йигитча.....	25
Зулфияхонимга.....	12	Шаҳарга интилиб.....	26
Бўла олмадим.....	13	Яхши қураман .....	29
Тилак .....	13	Булбуллар.....	30
Ватан .....	14	Бу зиндон кўнглимни.....	31

Адабий - бадиий нашр

Хуршида Нишонова

**ШИРИН АЗОБ**

Шеърлар

Муҳаррир:

Мусо Акмал

Мусаввир:

И. Жумабоев

Саҳифаловчи :

М. Жумабоев

Теришга берилди 16.06.2006 й. Босишга рухсат этилди 26.03.2006 й.  
Бичими 64x80 1/16 Ҳажми 1,0 б.т. Адади 500. Буюртма № 18.  
Баҳоси келишилган нарҳда.

“Наманган” нашриёти, Наманган шаҳри, Навоий, 36 уй.

“Фахризода” кичик қорхонаси( Наманган шаҳар,  
Дўстлик шоҳкўчаси, 2-А уй) да чоп этилди.